



# Ўзбекистон

ЎЗБЕКISTON ADABIYOTI VA SANATI

1999 йил

# АДАБИЁТИ ва САЊЪАТИ

ҲАҲТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

26 ноябр, №48 (3534)

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ**

**Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига курсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни қўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кура, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

**Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:**

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан курсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Н. КОМИЛОВ**

Тошкент, 1999 йил 24 ноябр

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ**

**Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига курсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни қўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси биринчи қотиби, Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А. М. Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кура «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

**Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан курсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Н. КОМИЛОВ**

Тошкент, 1999 йил 24 ноябр

Мен яқинда жанубий вилоятларимиздан биринчи номзодлар билан учрашувларимиз баъзи бирларида иштирок этиб қайтдим. Мухбир, бир ижодкор сифатида сайловчилар орасида номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сузларини эшитарканман, кўп ҳолларда ҳайратдан ёқа ушлаган вақтларим ҳам бўлди.

Уш, мен нимадан ҳайратга тушдим?

Авалло, шуни айтиш керакки, муқобиллик асосида сайланажак номзодларимиз орасида депутат бўлишдек масъулиятли вазифани зиммасига олишга ҳар ҳақдан арзийдиган, бунинг учун билими ҳам, тажрибаси ҳам етадиган, халқ ва мамлакат келажигини ишончи билан бўлган муносиб номзодлар бор. Ва уйлайманки, сайлов кунини овоз бериш жараёнида халқимиз, сайловчилар уларни қўйналмасдан топа оладилар... фақат бугун ана шу сайловчиларимиз айрим номзодлар томонидан чаглитилмас. Сайловчиларни турли ҳавоий ваъдалар билан чаглитиб, унинг қўйини пуч ёнгоққа тулдириш, купла-кундуз кунини «аравани қуруқ олиб қочиб» одамларни оломонга айлантиришга уриниш ҳоллари эса бўлиб турибди. Бугун бу вазиятдан асло қўз юмиб бўлмайди.

Эҳтимол, мен ёздадиган бир-икки мақола билан сайловлар моҳиятини эскича ту-

ган жойларга электр олиб боради, хуллас сезиниб барча таъшишнингизи ўз зиммасига олади, агар сиз унга овоз бериб депутат қилсангиз, дейди. Яна бир бошқа номзод эса, агар мени сайласанларинг, фалон жойда сув омбори қуриб бераман, дейди. Ахир сув омборини депутат қурмайди-ку! Қонун чиқарувчи орган билан иж-

## ИШТИЁҚ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ КЕРАК

### АРАВАНИ ҚУРУҚ ОЛИБ ҚОЧИШ ДАВРИ ЎТДИ, ЖАНОБ НОМЗОД

қулниги назарга олиб, ҳайратимни ҳам, икромимни ҳам ошкор этишга қарор қилдим.

Руй-рост айтиш керакки, номзодлар орасида халқ ва мамлакат манфаатини ўйлаб эмас, ўзининг ҳавоий хом хавёларида келиб чиқиб, депутатликка орязуманд бўлган, шахсий манфаатлари иштиёқидан қутула олмаган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас.

Кўйинлар пуч ёнгоққа тўлмасин

Оломон бўлманг...

Сайловчига саволим бор.

## ИСТАНБУЛ САММИТИ

Яқинда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида хавфсизлик ва барқарор тараққиёт масалаларига алоҳида эътибор берилди. Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Инсоният тарихининг яқунлаётган иккинчи минг йиллигида ялпи тинчлик ва барқарорлик муаммолари ўз ечимини тўла топмади. Гарчанд, дунё «совуқ уруш» ҳолатидан чиққан, Европа ўзининг янги дунёни мафкура жиҳатидан иккига бўлиб турган Берлин девори ўртадан олиб ташланган бўлишига қарамай, тинчликка раҳна солувчи омил ва воситалар ҳамон сақланиб турибди. Миллий ва этник можаролар, минтақавий танглиқлар ва бошқа шу каби ҳаракатлар тўғрисида одамлар ҳамон жабр-зулм қурмоқдалар.

Йигирманчи аср сунгида халқаро терроризм қайта бош қутара бошлади. Бунга ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний фанатизм ва экстремизм қўшилмоқда. Натижада бу иллатлар ўз йўлини танлаб олган, эркини қўлга киритган суверен давлатларни демократик йўлдан оғдиришга, бус-бутун минтақа ҳаётини издан чиқаришга, миллатлараро низоларни авж олдиришга ҳаракат қилмоқда. Энг қалтиси, юқоридаги мақсадларни қўлаб ҳаракат қилётган ёвуз қўллар ёшлар онгини захарлашга ошқора интилоқдалар. Шарҳловчи минбари.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида ЕХХТ фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ бир қатор тақлифларни ўртага ташлади. Юртбошимизнинг фикрича, ЕХХТ Марказий Осие минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаол бўлиши керак. Бу ўринда гап ушбу нуфузли ташкилот масъулияти остидаги минтақавий тинчлик ва барқарорликка путур етказишга ҳаракат қилётган ташқи қўллар таҳдидларининг олдини олиш тўғрисида бормоқда. Иккинчидан, бугунги кунда халқаро терроризмга қарши кураш марказини тузиш гоаят муҳим бўлиб турибди. Ислом Каримовнинг фикрича, марказининг асосий вазифаси «терроризм қўрқинчилари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмини маблаб билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ б и л а н жойларга манбаларга бўйича қабул қарорларнинг бажарилиши фаолиятларини мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим».

Гап шундаки, кейинги пайтларда халқаро терроризмга қарши курашга доир қўллаб ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Аммо бу ҳужжатларнинг кўпи амалда самара бераётгани йўқ. Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, айрим минтақалар, масалан Марказий Осие ўчун бевосита қўшимча бюрократик тузилмаларни тузиш билан иш битмайди. Яқинда БМТ Хавфсизлик кенгашининг беш доимий аъзоси дунёда террор ҳаракатлари авж олаётганидан ташвишланиб махсус баёнот қабул қилган эди. Анашу ҳужжатда ҳар бир мамлакат ўз ҳудудида ҳар қандай террористик актларнинг тайёрланиши ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланишига йўл қўймаслиги, террористларга, бундай ёвуз актларни режалаштираётган, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган ҳамда бу жиноятларни амалга ошираётган жиноятчиларга сийсий бошпана бермасликлари аниқ-равшан айтиб қўйилган эди. Таассуфки, бу ҳужжат ҳам ҳужжатлигича қўлиб кетмоқда.

Истанбул саммитида сўзга чиққан АКШ Президенти Билл Клинтон ўз нутқида Россияда кечаётган бугунги мураккаб жараёнларга алоҳида тўхталиб ўтди. «Биз Россияни барқарор, гуллаб-яшнаётган, дунё ишларида ўзининг салмоқли овозига эга, чегаралари мустахкам, ўз-ўзини ҳимоя қилишга қодир кучли демократик давлат сифатида қўришни истаймиз, — деди у. — Мен кўпинча ўз-ўзимга, уйлайманки, бошқалар ҳам шундай қилиш керак. Бордию Президент Елсиннинг ўрнида бўлганимда нима қилган бўлардим, деган савол бераман. Елсин менинг ўзим Президент бўлиб сайланганимга қадар ҳам тинчлик учун курашувчи фуқаро сифатида ҳаётимда энг ёрқин таассурот қолдирган инсондир. Бир вақтлар сиз (Елсинга мурожаат этиб) Москвада танк устида турганингизда, руслардан эркинликни олиб қўйишга ҳаракат қилганлариде, исёнчиларга қарата «Бу ишни фақат мени ўлдирибгина амалга оширишингиз мумкин» деганингизда кўнглимиздан не кечинмалар ўтган дейсиз. Бордию ўшанда сизни Президент этиб сайлаётган, қанчаб қўйишганида, бугун бу ерда иштирок этаётган давлатларнинг раҳбарлари «Бу иш Россиянинг ички иши, бизга дахлдор эмас» демасдан, сизнинг, Россиянинг эркинлиги учун ўртага тушган бўлардилар».

Президент Клинтон бу гапларни Россия Чеченистон мисолида бағоят мураккаб вазиятни бошидан кечираётганини эътироф этгани ҳолда, рус қўшинларининг бу ҳудудни террорчилардан ҳалос этиш борасида танлаган ҳарбий тактикасини танқил қилиб айтди. Унинг фикрича, бомбардимонлар тўғрисида қўллаб тинч аҳолининг қурбон бўлаётгани оддий чечен фуқароларининг Россияга нисбатан нафратини оширади, бу регионда тинчликка эришиш йўллари янада мураккаблаштиради. Клинтон ўз нутқини яқунлар экан, қўйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Биз бутун Туркияда туриб Чеченистон муаммоларидан, нотинч Кавказ ва шундай нотинч Болқондаги ташвишлардан баҳо оритишимиз ўринлидир. Йигирма биринчи асрнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан Осие ва Европа ўртасида ётган улкан минтақавий воқеалар бундан бўён қай йўналишда ривожланишига, бу йўналишларни биз аънавий қандай идрок этишимизга, мусулмон дунёси ва Фарб ўртасидаги, ташкилотимизнинг (ЕХХТ) барқарорликка, тараққиёт ва демократияга эришган аъзолари билан ҳамон оддий инсоний хавфсизлик ва эркинликка эришмаган қисми ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ».

Президент Клинтон ЕХХТ фаолиятига жуда катта эътибор берди ва унинг Европадаги миссинини юксак баҳолади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов эса бу нукта назарни асосан қўллаб-қувватлаган ҳолда ЕХХТнинг йиллик тадбирлари таъминини бу ташкилотнинг бевосита шафелигида минтақанинг бой табиий захираларидан, биринчи қалда, энергетика ва сувдан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефть қувурларини қуриш, экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ иқтисодий лойиҳаларнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишига доир чора-тадбирлар билан тўғридашнинг тақлиф этди. «Марказий Осиедаги беш мамлакатнинг барчаси, шунингдек, Европа Иттифоқи бўйича ҳамкорларимиз ҳам бундан манфаатдордир, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Истанбул саммитида қабул қилинган ҳужжатлар — Европа хавфсизлик хартисини, Истанбул Декларацияси ва бошқалар бу ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг, умуман, ҳаммининг умумий манфаатлари учун хизмат қилади, деб умид қилишга асослар бор.

Аҳмадҷон МЕЛИБОВ

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН САЙЛОВЧИ СЎЗИ**

Йўқ, ҳали, сен ноиб бўлганинча йўқ Ҳозирча шунчаки оддий номзодсан, Берган ваъдаларинг пучми ёки тўқ, — Билмаймиз.

Узинг айт:

Фарқлай олармисан ёлғонни ростдан?

Елканга олмоқчи бўлганин бу юк Зил-замбил, Кимларнинг синмаган бели. Бу юртинг эртаси порлоқдир, буюқ, Лек бугун ҳам бор-ку. Ноиб оқларми ишонса эли?

**Кўпинг иши қийин, Сир эмас, ҳали Ҳар бошда бир ҳайл мавжуд-ку ахир. Сени қўловчилар бўлгани каби, Йўлдан урувчилар топилар ҳамон, Елкада юк билан ғоз юриш оғир...**

**Йўлама, Халқ иши осон экан деб, Бир максад йўлда ишамоқ — ният. Фақат сен рост гапир: Йўлбошимиздек Мардимсан, Ҳам оқил! Кўлни бер, ишонсанг ўзингга фақат!**

## ЭРШИЯТИ ҚУР ДЕМОНЛАРИ

Республика Еш томошабинлар театри ўзининг 70 йиллик ижодий фаолияти мобайнида болалари маънавий соғлом руҳда тарбиялайдиган минбар бўлиб келган.

Болалар театрида бадиийлик ва тарбиявийлик чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам театр санъаткорлари олдида нафақат бадиий-эстетик масалалар, балки тарбиявий мақсадлар ҳам туради. Еш томошабинлар театрида томошабинлар умумий тарки-

саҳна асарлари кўп эди. «Семур» (Зулфия ва С. Сомова асари), «Тўғри ва эгри» (М. Шевурдин), «Скопеннинг на-ривердин» (Мольер), «Ким ҳанқар» (И. Аҳмедов, О. Толипов), «Али ва Вали» (Л. Маҳмудов), «Ҳаёт йўли», «Қалбим сенга интилар» (Ҳ. Умаров), «Ун саккиз йилги» (М. Каримов), «Сирли сандиқ» (И. Аҳмедов, О. Толипов), «Ойгул ва Бахтиёр» (А. Бобо-жон), «Сўқатой-конфетвой» (П. Мумин) ва бошқа спектакллар

Зиямухамедова ва кўплаб бошқалар ишонч ва масъулиятни ҳис этган ҳолда бетиним меҳнат қилмоқдалар.

1993 йилдан бошлаб театр Ҳамза ўзбекистонда хизмат қурсатган санъат арбоби, Ҳамза номидagi давлат мукофоти совриндори Олимжон Салимов раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунга келмоқда. Ҳозирги кунга келмоқда. Ҳозирги кунга келмоқда.



бига болалардан ташқари «катталар» — ота-оналар ҳам кирди. Театр фаолиятининг умумийлиги нафақат спектаклларнинг бадиий мукамаллиги ва гоаяти бакуватлиги билан, балки еш томошабинлар билан ташқили, педагогик иш олиб бориш усулларининг самарали бўлишига ҳам боғлиқ.

Республика еш томошабинлар театри ташқил бўлган биринчи йиллариданоқ халқ қаҳрамонлари ҳаётини, саргузаштларини ифода этувчи асарларни саҳнага олиб чиқдилар. 50—70 йилларда қўйилган спектакллар ичида театрнинг ўз усули, ўзининг жанрига мос тушган, болаларда қувонч, меҳр уйғотган

бадиий етуқлиги билан ажралиб туради. Бу асарлардаги қаҳрамонларнинг қўпчилиги гайратли ва тажрибалидир. Уларнинг дўстлари ишончли, ақлли ва фаросатли. Кўпинча ёмонлик жазоланади, яхшилик галаба қозонади.

Актерлар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик театр ҳаётининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Худди ана шу ҳамкорлик тўғрисида театрда ижод қилиб келаятган Фарход Аминов, Тамара Ҳамдамова, Лутфулла Саъдуллаев, Нодира Аҳмедова, Гулчехра Саъдуллаева, Исмоил Абдуллаев, Муссар Шоди-ева, Ҳабибулло Абдуллаев, Абдусамат Жўрабоев, Дилбар Абдулазизова, Едгора

ТошДУ доценти А. Алимбеков Ҳамза ижодининг Туркияда урганилиши, турк тилига таржима қилинган шеърлари ҳақида гапириб, чет элларда Ҳамзанинг «Шуро шоири» сифатида эмас, балки миллатни улуглаган, Ватанин куйлаган ижодкор сифатида қаралаётганини муҳимлигини таъкидлади. Олим ва тадқиқотчилардан У. Долимов «Абдулла Авлоний ва Ҳамза», Й. Солижонов «Ҳамза шеърлигида ранглар ва оҳанглари уйғунлиги», М. Ҳошимова «Ҳамза ижодида хотин-қизлар образи», Р. Тожибоев «Ҳамза ва Қўқон ҳадидлари», Н. Муминова «Абдурахмон Саъдий Ҳамза ҳақида», Э. Раҳимов «Ҳамза ижодида адабий мистификация» мавзуларида маърузалар қилдилар.

Анжуман иштирокчилари шаҳардаги шоир мугъзини зиёрат қилиши, унинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди. Тадбир Ҳамза номидagi Қўқон драма театрида тадбир давом этди. Театр жамоаси Ҳамза Ҳакимзода Нивезий саҳна асарларидан лавҳалар, шоир газаллари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этишди. Мазкур илмий анжуман Ҳамза ижодида янгича ёндошиш, шоир адабий меросини бугунги кун нуктаи назаридан урганишда муҳим аҳамият касб этади.

**Тоҳир Йўлдошев, Санъатшунослик номзоди**

экан. Ана шундай бир номзоднинг ишончли вакили сайловчилар билан учрашувда: бу киши энг фидойи кишиларимиздан бири, асло ишлаб чарчамайди, бева-бечора, етим-есирларнинг аҳволидан мунтазам хабар олиб туради, неча марта хабар олиш керак бўлса, шунча марта боради, аҳвол суради, ноғиронлар уйларидан мултола оёқ узмайди — нафакалари вақтида берилишини таъминлайди, муаллимлар иш ҳақларини ўз вақтида олиб туришини ҳам таъмин этади, электр борма-

(Давоми 2-бетда)

## «ДУРДОНАЛАР ХАЗИНАСИ» СОҲИБИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни беш тахиррияти мажлислар залида миллатимизнинг чин маърифатриварларидан бири Шорасул Зунунов таваллудининг 100 йиллиги бағишланган хотира кечаси бўлди.

Мазкур адабий кеча муносабати билан намоийшга қўйилган янги китоблар бусагадаёқ барчанинг диққатини тортиди. Улар «Шарқ»да чоп этилган бўлиб, полиграфик жиҳатдан жуда сифатли эди. Ана шу китоблар ичидан «Дурдоналар хазинаси» номли китобини ҳамма катта севиниб билан харид қилди. Чунки, ушбу чинама дурдоналар хазинаси Шорасул ота Зунунов ижодидан йилган эди.

«Қадимий қўлезмаларни титқилаб, ҳикматларни саралаб-саралаб, бундай китобни тузиш учун бир умр сарф этилиши зарур, — дея қулгимга пиширлайди шарқ мумтоз адабиети шайдоларидан бири, шоир Носир Муҳаммад «Дурдоналар хазинаси»ни меҳр билан варақлаётди. — Бу игна билан қудуқ қазишдан ҳам қийин иш»...

Кеча адабиётшунос олим Иззат Султон, мумтоз адабиётимизнинг йirik тадқиқотчиси Азиз Қайумов захматхас олим ва маърифатривар муаллим Шорасул Зунунов сабоқларини эслади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни директори Ислом Шогулмонов, танқили ёзувчи Мақсуд Қориев Шорасул Зунунов, илмий мероси аҳамияти ва «Дурдоналар хазинаси» китобининг чоп этилиши жараёни ҳақида сўзлади.

Шорасул Зунуновнинг ўқаси — педагогика фанлари доктори Асқар Зунунов, жанлари — таниқли олимлар Фарход ва Наримон Зунуновлар сузга чиқиб, ушбу хотира кечаси ташкилотчиларига миннаждорчилик билдирди.

Кеча дастурини адабиётшунос олим Наим Каримов бошқарди.

**Рустам МУСУРМОН.**

## ҲАМЗА АБАДИЯТИ

ТошДУ доценти А. Алимбеков Ҳамза ижодининг Туркияда урганилиши, турк тилига таржима қилинган шеърлари ҳақида гапириб, чет элларда Ҳамзанинг «Шуро шоири» сифатида эмас, балки миллатни улуглаган, Ватанин куйлаган ижодкор сифатида қаралаётганини муҳимлигини таъкидлади. Олим ва тадқиқотчилардан У. Долимов «Абдулла Авлоний ва Ҳамза», Й. Солижонов «Ҳамза шеърлигида ранглар ва оҳанглари уйғунлиги», М. Ҳошимова «Ҳамза ижодида хотин-қизлар образи», Р. Тожибоев «Ҳамза ва Қўқон ҳадидлари», Н. Муминова «Абдурахмон Саъдий Ҳамза ҳақида», Э. Раҳимов «Ҳамза ижодида адабий мистификация» мавзуларида маърузалар қилдилар.

Анжуман иштирокчилари шаҳардаги шоир мугъзини зиёрат қилиши, унинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди. Тадбир Ҳамза номидagi Қўқон драма театрида тадбир давом этди. Театр жамоаси Ҳамза Ҳакимзода Нивезий саҳна асарларидан лавҳалар, шоир газаллари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этишди. Мазкур илмий анжуман Ҳамза ижодида янгича ёндошиш, шоир адабий меросини бугунги кун нуктаи назаридан урганишда муҳим аҳамият касб этади.

ИШТИЁҚ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ КЕРАК

(Боши 1-бетда.)

ларнинг кўйини пуч ёнгоққа тулдириб, чапигит депутат бўлиб олмади. Агар сайловчилар мана шундай гирт ёлгон сўзлашдан ўзини тия олмайди...

Бу сайловчи чукр уйлаб, мулоҳаза қилиб курайдиган жиддий масала. Машхур шоиримизнинг шундай мисраси бор: «Накд жойда насия не керак, асли?» Урток номзод, насия гаплар билан сайловчилар эътиборини қозонаман десан...

Шу уринда яна бир масала бор. Мамлюки, шуралар давридан бизга оғир мерос қолди, жойларда ободончилик, маънавий хизмат соҳаларида оқшашлар бор. Бунинг устига айрим туманларда ҳокимликларнинг тураларча иш юритишдан онги ҳам, қули ҳам бұшамаётган амалдорлари унутиб, лоқайдлик ва эътиборсизлик тўш...

Шубҳасиз, номзодларимиз орасида уларнинг депутат бўлиб сайланишига кўзлари етадими ёки йўқми, бундан қатъи назар сайловчиларни чапигитиб арзон обрў қозонишни уларига ор деб биладиган, мамлакат миқёсида фикрлайдиган, халқ дарди билан яшаётган чинакам фидойи инсонлар ҳам асло кам эмас. Турли округлардаги сайловчилар билан учрашувлар чоғида мен ана шундай эл фарзандларининг кўпчилиги ўртасида уларнинг қандай тўтаётганларига ҳам ғувоҳ бўлдим. Улардан бири шахрисабзлик олим аёл ва йирик фабрика раҳбари Норбуви Сафаровдир. Аввало, бу аёл олимга, тадбиркор ва раҳбар сифатида қилиб улгурган ишларининг ўзи баъзи номзодларнинг сингари насия эмас, накд. Қолаверса, «Ватан тараққиёти» партиясининг номзоди сифатида баъзи ёш партияларнинг номзодлари сингари «аравани қуруқ олиб қочмасдан», нуқул насия гаплар, ҳавоий ваъдалар билан ишончга киришга уринмасдан ўз сайловолди дастури, ўз партиясининг йўлини

1999 йилнинг 17 ноябри. Мирзо Улуғбек туманидаги Картография ва геодезия техникумининг мажлислар зали. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Тошкент шаҳар 6-Мирзо Улуғбек сайлов округидан курсатилган номзодлар билан учрашув. Участка сайлов комиссияси раиси томонидан ҳар бир номзод учун белгиланган вақт ичида ишончли вакиллар беш нафар номзод ҳақида, номзодлар эса уларни илгари сураётган дастурлари ҳақида гапириб беришлари керак. Учрашувга келганлар эса, беш нафар номзоднинг қайси бири депутатликка лойиқроқлигини билиш учун уларга синчковлик билан тикилиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатига эътибор беришар, айтган сўзларини ақл тарозисига солиб қуришарди. Номзодлар бири-кетин гапиришаркан, уларнинг ҳар бири ҳам депутатликка муносиб кишилар экани тобора ойдинлаша борди. Лекин, улардан бири — Миллий тикланиш демократик партиясидан курсатилган номзод Гуландом Боқиеваннинг сўзларидан кейин кўпроқ ва узоқроқ қарсақ чалинди. Савол-жавоблар ҳам тугаб, учрашув поёнига етай деганда, бир онахон чиқиб, Г. Боқиевага гул тўтказди ва унинг пешонасидан меҳр билан ўпиб қўйди... Зал бир қалқиб тушди. Беш нафар номзоддан бири сайловчиларнинг бунчалик

эҳтиромига сазовор бўлганининг боиси нимада? Биз, учрашув катнашчилари беихтиёр бу саволга шундай қатъий жавобни бердик: Гуландом Боқиеваннинг дастурида ёшларимизнинг истиқболи билан боғлиқ режалар бошқа номзодларни кўпчилиги ҳақида ҳам унга ишониб ишлар ҳажми ниҳоятда кўп эди. Бир-икки ой ичида тўқилиб қолган турт қаватли иморатни ўқув биносига лойиқ қилиб таъмирдан чиқаришнинг ўзи бўладими? Ўқув йили бош

ваъда бериб, сайловдан ўтиб олган, «сувга ўриб кетганлари» кўп бўлган. Шунинг учун ўзининг қадрини ўйлаган одам номзодлар турғисида ёзганда, минг мулоҳаза билан ёзди. Бу тўғрисида маъруза сатрлар муаллифи ҳам ёт эмас. Аммо депутатликка номзод Гуландом Боқиевани Сизга тавсия қиларканман, муҳтарам газетхон, кимни тавсия этаётганимни яхши биланман, у ҳақда нима ёзаётганим учун тўла масъулият ҳис этаман. Биргина факт келтирайин: узи ишлаётган университет учун хорижий мамлакатларга кўп раҳбарлик ва маблағларини жалб этишга ҳаракат қилиб, 500 миң долларлик грант олишга, улар жарафини учун асбоб-ускуналар, китоблар ундиришга муваффақ бўлди. «Аёл боши билан» Гуландомнинг бу каби катта ишлар қилаётганини қуриб, «Отанга раҳмат!» дегинг келди.

ФИДОЙИЛАРДАН БИРИ



байрам демай, эрта тонгдан то кечгача югурди. Биз унинг фаолиятидаги бир қирра устида суз юрдик, холос. У қайси лавозимда ишлагани (унинг меҳнат йули: лаборант, катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор), ҳамша бутун кўчгайратини сарфлашга тиришди. Дарвоқе, яна бир нарсани айтмасдан бўлмас. Кимки раҳбар Гуландом Боқиеваннинг ҳузурига тўлали соҳасида, тарбия юзасидан, бирор-бир тақдир-мулоҳаза билан келса, у «Яхши, уйлаб кураимиз, демайди. Шу оғир ўзидек мутасадди кишилар билан маслаҳатлашиб, ижрочиларга тезда йул-йўриқлар бериб, ташаббусни ўз зиммасига олган ҳолда ишга киришди.

Очғини айтганда, депутатлар ҳақида гап кетганда, биз уларга бир оз ишончсизлик билан қарашга урганиб қолганми. Рост-да, сайлов олдидан улар тоғ-тоғ

лангунга қадар машғуллар олиб боровчи профессор ўқитувчилар корпусини шакллантириш ҳам осон эмасди. Замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар олиш, турли ўқув кабинетлари ва студиялар ташкил қилиш керак. Хуллас, иш ҳажми кўп эди. Лекин 31 август кун мутасадди кишилар, университет раҳбарияти, энг муҳими, бу йил халқро

мақолаларини эслаш кифоя. Айниқса, унинг телвидениеда қўшиқчилликка бағишланган бир неча курсатувлардаги дадил фикр-мулоҳазалари, тақлифлари кўпчилигининг ёдида қолган. Бугунги кунда у «Муштум» журнали ва «Афанди» газетасида бош муҳаррир сифатида олиб бормоқда. «Афанди» газетаси нисбатан янги ташкил бўлганига қарамай, аллақачон ўз ўқувчиларини топиб улгурган. Бунинг сабаби аввало, Ашуралининг яхши ташкилотчи эканлигидадир. Чунки у «Муштум» ва «Афанди»ни бугунги ўқувчи дидига мос қилиб нашр эга оладиган уюшқоқ, аҳил, ишга чанқоқ, кишилар дарди билан яшашга қодир жамоа ташкил қила билди. А. Жураев бошлаган ишини охирига етказадиган, имкониятларини тўғри йўналтири оладиган, бугуннинг талаб ва эҳтиёжини сезгирлик билан ҳис этадиган моҳир журналист, ишчан раҳбар ва иқтидорли ёзувчидир. Унинг машхур санъаткор Ботир Зоқиров ҳақида китобини кўнчилиқ яхши билди.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

ХАЛҚ ДАРДИДА ЁНИБ...

Ҳар бир инсон ўз тақдирини, юрт тақдирини ишончли қўлларга топширишни истади. Зеро, бугунги сайловчилар ўз номзодлари қандай фазаилатларга эга бўлишлари лозимлигини ҳақда яхши биладилар.

Номзод кишилар ишончли қозонган, давлатимиз, юртимиз раванқига хизмат қилувчи қонунлар ишлаб чиқишига муносиб ҳисса қўша оладиган шахс бўлиши лозим. Назаримда, 81-ХАТИРЧИ САЙЛОВ ОКРУГИДАН (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ) Олий Мажлис депутатлигига Миллий тиланиш партияси томонидан номзод қўйилган ёзувчи ва журналист Ашурали Жураевда бу хислатлар мужассам. Уни республикамизнинг чекка жойларида ҳам яхши танишадим. Чунки у ўзининг матбуотдаги чиқишлари, баҳс-мунозараларда чорловчи мақолалари, телвидениедаги курсатувлар билан аллақачон кишилар қалбидан жой олишга улгурган.



ёзилгани, долзарб муаммоларни қамрагани, одамларнинг юрак тубидаги дардлар тилга олинган бос тезда ўз муҳлисларини топди. Ҳар бир мақоладан сўнг таҳририят қўллаб мақтублар оларди. Ҳар бир мақтуб ортида инсон ва журналист Ашурали Жураевнинг қалби, изтироби лари туради. Бу мақолалар юзага келгунча у қанча жойларни кезган, айниқса, ўзи туғилиб ўсган юртда, Жалойир қишлоғи одамлари орасида кўп бўлган. Улар билан булган мутасадди учрашувлар, дилдан сўхбатлашишлар ёниқ, ҳароратли мақтубларнинг туғилишига сабаб бўлган.

Умуман, Ашурали одамлар орасида кўп бўлади, хизмат сафари биланми ёки ўз иштиёри бўйичами, кишлоқларни кезади. Уни халқ ҳаёти, оруз умидлари, армонлари, қувонч ва ташвишлари қизиқтиради. У қадок кўлар меҳнатини энгиллаштириш, турмуш шароитини яхшилаш, қандай қилиб уларнинг кўнглини кутариш йўлларини излайди.

А. Жураевнинг санъатимиз ва адабиётимиз, маданиятимизнинг бугунги аҳволи, улардаги ютуқ ва муаммолар, долзарб масалалар ҳам кўп йилантиради. Унинг Ўзбекистон телвидениеси фаолиятига бағишланган бир қанча чиқишлари, замонавий қўшиқчилик санъати, театр, кино борасидаги курсатув ва

мақолаларини эслаш кифоя. Айниқса, унинг телвидениеда қўшиқчилликка бағишланган бир неча курсатувлардаги дадил фикр-мулоҳазалари, тақлифлари кўпчилигининг ёдида қолган.

Бугунги кунда у «Муштум» журнали ва «Афанди» газетасида бош муҳаррир сифатида олиб бормоқда. «Афанди» газетаси нисбатан янги ташкил бўлганига қарамай, аллақачон ўз ўқувчиларини топиб улгурган. Бунинг сабаби аввало, Ашуралининг яхши ташкилотчи эканлигидадир. Чунки у «Муштум» ва «Афанди»ни бугунги ўқувчи дидига мос қилиб нашр эга оладиган уюшқоқ, аҳил, ишга чанқоқ, кишилар дарди билан яшашга қодир жамоа ташкил қила билди. А. Жураев бошлаган ишини охирига етказадиган, имкониятларини тўғри йўналтири оладиган, бугуннинг талаб ва эҳтиёжини сезгирлик билан ҳис этадиган моҳир журналист, ишчан раҳбар ва иқтидорли ёзувчидир. Унинг машхур санъаткор Ботир Зоқиров ҳақида китобини кўнчилиқ яхши билди.

Ўзбекистонда хизмат қурсатган журналист Ашурали Жураев юртимиз, кишиларимиз келажакини ўйлаб иш қурайдиган, ўз бурчини одамларга хизмат қилишда деб билган яхши ишкорлардан бири. Уйлайманки, А. Жураевга ўшаган одамларнинг номзодини Олий Мажлис депутатлигига курсатган киши янглишмайди.

Гулчехра УМАРОВА

ЭЛ СЕНИ СЕВДИМИ...

Абдуазим Ҳақимович ишни баъзилар каби идорадан бошламайди. Субҳи содақ бўлиши биланок машинага ўтириб, куча-қўйларни айланади, маҳалларга кириб чиқади, корхоналар худудини кузатади, ўқув юртлари қурилишини бориб куради, туй-маъракаларга қиради, бева-бечораларга ахволидан хабар олади. Маҳалла оқсоқоллари билан сўхбатлашади, зивиллар билан мулоқотда бўлади. Туман худудидаги қувончлару ташвишлар, муаммолар, ҳал қилиниши зарур масалалар, қарабсизки, бешбармоқдай аён.

Сержаират, ташаббускор, тиниб-тинимас Абдуазим Ҳақимович кўп ўтмай элнинг назарига тушиб, кўпчилигининг меҳр-муҳаббатини қозонди. 1997 йили Мирзо Улуғбек туман ҳокими вазифасига тайинланди. Бу туман пойтахт туманлари ичида худудий кенглиги, санаот қорхоналарининг қуллиги, кўп миллатли аҳолиси, хуллас, муаммоман а жралиб туради. Абдуазим Мажидов бу ҳақиқатни тўғри, оқилона аянглаб, туманда аянаганга айланган ишларга замонавий раҳбар сифатида киришиб кетди. Уддаборон, тажрибали, ўз касбига фидойи кадрларни ўз атрофида тулади, уларга бошқоқ бўлди. Хужалик ишларида орттирган тажрибасига таяниб иш тутди, кўпроқ диққат-эътиборни бунедкорлик ишларига қаратди. Инфотиматика ва машинасозлик коллежлари, Алоқани институти академик лицейи, турт қаватли оилавий поликлиника, «Нур» маҳалла гузарии, «Буз» бозори, «Боги-Эрам» маданият ва истироҳат боғи каби қатор маданий-маънавий, илмий-хужалик мажмуалар фойдаланишга топширилдики, бунда ҳокимнинг шахсан муносиб ҳиссаси борлигини тумандагилар эътиёр этишади.

Ҳа, йул қурган, кўприк қурдирган, ариқ ҳамма, сув келтирган, элнинг ҳожатини чиқарган ҳар бир киши савоб-фатида шаклланди.

Эзгуликнинг изи гул, деб беҳудга айтмайдилар. Шу боисдан ҳам туман ҳокими ўй-қўрилишига, ободонлик — кўкаллазорлаштиришга, маҳалла-гузарларни намунали бўлишига, халқнинг ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланишига эътиборни қўчайтирди.

Зотан, халқ дуосини олиш, эл-юрт ишончини оқлаш осон эмас. Бунинг учун тул-қул ишлаш, ҳалол, сидқидил меҳнат қилиш талаб қилинади, элим-деб, юртим деб ёниб яшамаган раҳбарга қийин бўлади, эл назарига тушсаю элнинг назаридан қолса, бу — ёмон! Абдуазим Ҳақимович бу анчик ва очик ҳақиқатни яхши англайди.

Ҳоким қабулхонасидаги телефон кўнгиноқлари тиним билмайди, бу даргоҳга юмуш билан келганлар ноумид бўлиб чиқиб кетмайдилар.

«Ирригатор» мавзеида олтига тўққиз қаватли, «Буз» кучасида туртта, Содиқов кучасида иккита, «Сайрам» кучасида учта турт қаватли тураржой бинолари қуриб битказилди, уй эгалари кўчиб ўтди, ҳовли тўйларии бўлди. 37 км майдонга сув қувуралири ётқизилганлиги, деярли барча худудлар каналлаштирилганлиги, аҳоли ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланганлиги ҳоким Абдуазим Ҳақимовичнинг ишчан фаолиятига берилган баҳо. Туманда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш устида самарали, амалий иш олиб борилмоқда. Республика Миллий банки, Солиқ қўмитаси спорт иншоотлари жаҳон андозаларига мос даражада қайта таъмирланди, ун иккита спорт майдончаси барпо этилди. Айниқса, Абдуазим Ҳақимович «Трактор» футбол клуби президенти сифатида миллий футболимиз раванқига муносиб ҳисса қўшмоқда.

«Бағрикенглик, халқ дардига малҳам бўлиш, унинг эҳтиёжларини қондиришга интилиш, ҳозиржавоблик ҳокимимиз Абдуазимжоннинг инсоний фазилатларидир, — дейди туман маҳалалар оқсоқоллари



Мурод АБДУЛЛАЕВ

Абдуазим Мажидовнинг ҳаёт йули ҳам, меҳнат фаолияти ҳам ибратли. 1953 йилда Тошкент Автомобиль йуллари институтига ўқишга кириб, уни «Йул қурилиши машиналари ва ускуналари» мутахассислиги бўйича 1977 йили битирди. Меҳнат фаолиятини 1970 йилда металлургия комбинатида оддий чилангаридан бошлади. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йуллари вазирига қарашли корхоналарда ишлаб, муҳандисликдан вазири уринбосарига булган йўлини босиб ўтди, йул хужалигида замонавий, улкан раҳбар си-

фатида шаклланди.

«Бағрикенглик, халқ дардига малҳам бўлиш, унинг эҳтиёжларини қондиришга интилиш, ҳозиржавоблик ҳокимимиз Абдуазимжоннинг инсоний фазилатларидир, — дейди туман маҳалалар оқсоқоллари

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Сайлов дегани ўзбек тилининг катта изоҳли лугатида айтилишича, сайламоқ сўздан олинган бўлиб, танламоқ, танлаб, саралаб олмақ дегани бўлади. Бу — кўпчилик ичидан ўзингизга маъқул нарсани ёки одамни танлаб олиш деганга тўғри келади. Илгарилари сайлов дегани номмагина буладиган бир масхарабозликдай нарса эди. Яъни, сиз учун биров танларди, юқоридагилар уларни учун керакли одамларни уларни танлаб, кейин сизга «сайлатиб» олишарди. Яратганга минг шукрки, бундай беъаънигарчиликдан қўтилдик, ўз юрту давлатимизга ўзимиз ҳужайин бўлдик, вакилларимизни ҳам ўзимиз сайлайдиган бўлдик. Бу — истиқлолимиз берган буюк незматлардан бири. Тўғри, бу йилгидек ҳақиқий сайловларга осонгина эришганимиз йўқ, бундан олдинги сайловларда ҳам унча-мунча эҳсиша, юқоридан курсатмалар билан сайлашлар учраб ту-

Ана шунақалардан биттаси яқинда каминани узига «ҳайбаракаллачиликка» ёлламоқчи бўлувди, аммо мен унинг қилиб юрган ишларидан хабардор эдим, ўз вақтида «бизни маъзур тутасиз», деб қутулдим.

САЙЛОВ ДЕГАНИ...

рарди. Энди хоҳ олий бўлсин, хоҳ куйи — қонун чиқарувчи идораларимизга вакиллари турли ғўриятлару ҳокимият идоралари ва қолаверса, мустақил номзодлар орасидан муқобил тарзда сайлайдиган, яъни кўпнинг ичидан танлаб оладиган бўлдик. Яна шуниқса шукрки, бизда сайловлар баъзи бир қўшни, бир вақтлар бизга «улуг оғалик» қилган мамлакатлардаги сингари «ол-ха-ол», «ур-ийикит» тарзида эмас, бутунлай бошқача, шарқона, ўзбекона андиша, одоб, сабр-тоқат билан уятапти. Телевизор экранларида қурганинда кўнглинг айнийдиган, Жириновскийга ўхшган телватоқ нусхалар «мени сайлайсан» деб ҳамманнинг таъбини тирриқ қилаётгани йўқ. Бизда бир фикр, бир масаладаги, эл-юрт тараққиётини ўйлайдиган, шу йўлда белини маҳкам болаган номзодлар аксариятни ташкил қилади.

Майли, кураш қизисин, аммо мана шунақа пойгадан устамон одамлар фойдаланиб қолшмас-ю камтар, иш билан банд ҳақиқий номзодлар бир чекда қолиб кетишмасе булгани. Кўни кеча ана шундай камтарин инсонлардан бири, эл таниган адабиётшунос олим, беғуноҳ шахид кетган аждодларимиз хотирасини тиклаш жағмарасининг раиси Наим Каримов домла билан учрашиб қолдим. У киши «Миллий тикланиш» партиясининг тавсияси билан Наманганнинг Поп туманидан Олий Мажлисимизга номзод қилиб курсатилган экан. Мен у кишидан сайлов таратдуди қандай

Лекин, ҳар тўқисда бир нуқси деганларидек, бугунги сайловлар таратдуди даврида ҳам айрим камчиликларни қуриш мумкин. Сайловларнинг янгиша, тула демократик таъмоийилларда ўтишидан кўпчилик хурсанд. Лекин авваллари яккаю ягона номзод сифатида сайловдан силлиққина ўтиб юрганлар сал... ташвишда. Баъзилар янги сайловларнинг моҳиятини тула айтмайди, ҳамон ваъда беришда давом этмоқдалар: «Мени сайласангиз ндоқ қиламан, бундоқ қиламан...»

бўладими

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ

Сотим АВАЗ

# БЕНАЗИР МУЛКИ САОДАТИ

## ВАТАНИМ

Куюндек кўзголган фотиҳ Искандар,  
Туглари кўннинг-да тоғига етган.  
Аммо, ажабларким, румолик қайсар,  
Хоразмга қўлин теккизмай кетган.

У нечук шахд этса, етгудек ерга,  
Оташ ёғдирмади қилич дамидна.  
Балки бир илоҳи инсофин берган,  
Пайгамбарлар, мулким,  
деган заминда.

Балки у ҳис этган шон маррасининг,  
Қадаҳи лиммо-лим қонга тўлганин.  
Эҳтимол, ўйлаган қум заррасининг,  
Битта жаҳонгининг боши бўлганин.

Эҳтимол Амунинг шитобларига,  
Минг битта исбннинг руҳи кезгандир.  
Балки у юлдузлар хитобларидан,  
Йўлдан адашганин ногоҳ сезгандир.

Тарих дафтарлари ўтиб қўлма-қўл,  
Бугун кўп варағи титилган, ўчган.  
Тасаввур хатога кўп қўйишидир йўл,  
Ҳақиқат ёғдуси руҳларга кўчган.

Ватаним, шарафинг бахтдан устивор,  
Сени деб жонимиз орзу йўлида.  
Сенинг тарихининг бир зарраси бор,  
Искандарнинг очиб кетган қўлида.

Ватан аввал тилдан бошлангай,  
Ўз тилинг илдири жонининг.  
Муштипар ва мунис онандай,  
У мудом олади ёнингни.

Ватан, ушбу ҳокисор тупроқ,  
Уқларга тинмай йўллайди.

У отангдай бўйинга муштоқ,  
Ҳар бир қадамнинг қўллайди.

Ватан — ёзув, минг йил чоҳидан  
Хатлаб, илм берган ҳар кунин.  
Дўст-ёрингдай ҳар нигоҳидан  
Жоннисорлик ёғилар унинг.

Ватан минг-минг ўзгалар аро  
Ўз-ўзингдир — ёниқ юрагинг.  
Фарзандингдай, унда аввало,  
Яшар ўтмиш ва келажакнинг.

Ватан деб фахр айласин ҳар ким,  
Қачон, қайси маконда бўлсин.  
Мудом тугал бўлгин, Ватаним,  
Тўрт мучанг омонда бўлсин.

Ишқинг интибоҳи жонимда менинг,  
Васлинг иштихоби қонимда менинг.

Банд эрур сарнигун ўю хаёлим,  
Кўнгил қиблагоҳи — хонимда менинг.

Жисм тоғ масаллик, ҳар заррасидир  
Ушқоқларнинг оҳи — конимда менинг.

Меҳрим кўргузмак агар истарсан,  
Жабр кўргуз гоҳи ёнимда менинг.

Кўзингдан қаҳр эмас, раҳмат ёғилгай  
Кўз тушган илоҳи онимда менинг.

Орзулар бир музда ҳар тонг ҳисобда,  
Ким фироқнинг чоҳи сонимда менинг.

Кимсакам ҳад этмас, мен беҳад  
севдим,  
Ўлдирсанг гуноҳи шонимда менинг.



## ЎЗБЕКИСТОНИМ ЎЗИНГ

Завқу шаақ, фахру гурур,  
ҳам сурур қоним ўзинг,  
Азму қарор ҳам шитоб,  
дилда уммоним ўзинг,  
Агар гул орзуласам,  
боғу бўстоним ўзинг,  
Нафақат жисмим ўзингсан,  
шу азиз жоним ўзинг,  
Беназир мулки саодат,  
Ўзбекистоним ўзинг.

Қалбдаги меҳринг сабаб,  
ишқ ила ошна эсам,  
Беқиёс кўркинг сабаб,  
шеърға мен ташна эсам,  
Ер, кўёш, ойинг сабаб,  
қунда бир яшна эсам,  
Нафақат жисмим ўзинг,  
шу азиз жоним ўзинг,  
Беназир мулки саодат,  
Ўзбекистоним ўзинг.

Токи жаҳон бор экан,  
сен бўлурсан барқарор,  
Чунки ўтлуғ меҳру илос,  
қалбимизда устивор,  
Ҳар лаҳза, ҳар сония,  
ҳар кун сенда пойидор,  
Нафақат жисмим ўзинг,  
шу азиз жоним ўзинг,  
Беназир мулки саодат,  
Ўзбекистоним ўзинг.

# СУМАНБАР ДАРДЛАР

## Фарида Афрўзинг «Кўзим маним» китобини ўқиб

Суманбар қош, суманбар кўз, суманбар  
жон... булар шоира Фарида Афрўзинг  
суманбар дардларидан тўкилган:

**Жоним маним,  
қошим маним,  
Кўзим маним...**  
Томоғимда минг йил ёнган сўзим

деди шеър айтишда сўзона, ижод  
тўлгоғида мастона бўлиб бораётган шоира.  
Донишманд халқимиз «дарди йўқ  
кесак...» деганида, нечоғли билиб  
айтганини ўйлаб қоламиз. Ахир, на гул, на  
тош бўла олмади, кесакдек яшашдан Аллоҳ  
асрасин. Ундайлар на кулгуни англайдилар,  
на сўзи-сўзонани, на қаҳру-ғазабни  
тушуниб етдилар. Холбуки, тошдан-да ўт  
чиқади, гулдан-да ифдор таралади.  
Шоиранинг мана бу сатрлари инсонни ана  
шундай надомат-қусурдан хазар қилишга  
ундайди:

**Сабр — олма гуллади,  
Пиша тилинг ёради.  
Тош юракка киргунча  
Пешоналар қонади.**

Шоира лоқайдликни сўз билан  
уйғотмоққа шайланади. Шеърлиги  
тақдирдан ҳаваслиниб, шуқрона айтади.

Рух ва Вужуд ўртасида қолган шоира  
лирик қаҳрамон сарсон ва саргардон бир  
ҳолда «парчаланиб-парчилланиб яшайди».  
**Олтин олма ардоқладим боғимда,  
Алвастилар ўзб кетди боғимдан.  
Ичса илон улбр энди қонимдан.  
Энди сенинг боғларингда куз йиллар,  
Энди менинг қисматимда**

**сўз йиллар,**  
— деб сўз учун, Оллоҳга муножот ўқийди.  
Шеърлигида ўз йўли, ўз овозини «пешонаси  
қонаб», осонликча толмаётганини бадиий  
имо-ишоратлар, ташбеҳ ва  
тавсифлар орқали билдиради.

Шоира она ва дийр, давр  
ва дунёни дун, муҳаббат ва  
қисмат, сабр ва армон ҳақида  
қалам юритади,

**Фаридам, Фаридам, Фаришам,  
дединг,**

**Йиғлади, йиғлади, йиғлади...**  
Йиғлатиб қўйиб: қулдинг-у кетдинг,  
деб қўлиб кетган ёр қаҳида ўзига хос  
янграгучи йўл топади. Унинг жисму жони  
сўроқ ва саволларга айлиниб, «парчаланиб-  
парчилланиб» қулагаўчиридир. Чунки, шоира  
«кўнгли одамидир» — унинг мевасини ёб,  
ўзини ўтин қилиб ёқиб юборишларини, ана  
бу ҳам етмагандай, унда исинишларини  
ҳам яхши билади.

**Мен ўзим кимман,  
Ташланди қулақ,  
Сен ўзи кимсан  
Сўзга чўккан тош.**  
Шўрлик ишқини «эски тегирмонга»  
менгзади шоира.

Бўёқлари қайсар, оҳанглари асов, қўлами  
кент ва шитоб шоира ана шундай худ-  
бехудликларни, девонаворликлар билан  
«кесак» миждозларни қуқунга айлантиради.

«Қапалак» қаноти синса гар юрагим  
йиқилар тиканга қолган портловчи, гоҳ  
синик шох» бўлиб қолган маҳзун ва ўйчан  
дардларини жону дил билан мухлисларига  
илинади.

Фариданинг «жонга тегиб кетди бебурд  
қархлар» деб қуйна-қуйна ёзган  
сарфлари катта сарҳисоқ оналирга бориб  
туташади. Тўлиб-тошиб кетган дардларини  
айтмоққа ошқабатган шоира умр  
бешафқатлигини, вақт қаттоллигини  
қўлидаги сатрлар орқали ифодалади:

**Азонлар айтсан, аста уйғотиб,  
Кар, сўйиб қисматинг булоқларига**  
дея хоҳласан-хоҳламасан вақт ҳакам ўз  
билган ишини қилишини, «жаллод — тун  
қолини бошимизга қийдириб» кетишини  
давватқорона эслатиб қўяди. У, биз —  
мухлисларига қўзимизни каттароқ очайлик,  
вақт ганимат, умр ва одамийлик ганимат,  
«оналаримизнинг ёнимизда бўлишига  
эришайлик, бир лаҳзада умр — нур сўнмай  
туриб», «мен ўзим кимман», «мендан  
қандай из қолаётир» каби сўроқ ва  
саволлар билан яшашга одатланайлик.

Токи, қарахлик балоси юрагимизга ин  
қурмасин, фикс-фужуру фариб ҳасадгўйлар  
таъкиб қилолмасин деган шоира нечоғли  
ҳақлидир.

Тупламни варақлашда давом этамиз.  
Ажаб, муаллифининг кўнгли кўзи нечоғли  
ўткир ва синчоқовки, тириклик  
манзараларини, одамийлик ҳис ва  
хиссиётларини расомона чиқиб беради,  
«томирига тоза қон қўйган жимлик»ни

боқира бўёқларда таранмуш этиди.  
Қулларимизга, лаҳзаларга шуқрона айтиб,  
фавқулодда ташбеҳ ва тавсифлар:  
«Остонада кимдир инграйди, Ийе?  
Муҳаббат, сен, кўчадаминг?!», «Бахтим  
ўпай десам пешонаси йўқ», «Дунёларга  
ярашиб кетдинг», «қуйдирмажон —  
қуйдирма, қирқим», «Бизни қайси сўзи оғир  
беқалблар, кўзи оғир гуноҳкорлар  
айирди?!»... «Парчаланиб-парчилланиб»  
сингари бадиий топиламан қашф этади.  
Унинг гоҳ сўйимли ва сўйгун, гоҳ исбнкор  
ва тезоб, гўзал бадиият халқчиллиги билан  
ҳам таҳсинга лойиқ. Эътибор берайлик:  
мақол ва маталлар, ўзбекона урф ва  
удумларга хос ибораларни қўлаш «яримта  
кўнгли» (кўнгли ярим, синик), «етти улқасак»  
(етти улқаб, тушга қирмаган), «бизга  
ичкиканга ичикиб яшаш» (соғиниб яшаш),  
«илвираган жон» (қийналган жон), «икки  
жони уйдади» (уйни ўйлайди) ва  
ҳокзалар. Шунингдек, «ялмоғиз, алвасти  
кампир қирқ ялаб, тўймаган аждаб ва  
аждархаларни шеърятта киритаркан ўзи  
«палак ёзган юрти» Фарғонача қочирим,  
мулозимат, меҳр-оқибат, Учқўприкнинг  
Хонхўжа қишлоғидаги тириклик тарзлари,  
болалик дунёларидан толган-тутганларидир  
деб ўйлаймиз. Ўзи сабоқ олган «Ниҳол»даги  
йиллари унинг ижод бисотиغا  
айланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мана, ўша дард ва изтироблар «оҳу  
армонлар», «хавотир ханжарлар»,  
фарғоналик «қизғалдоқ — қўнғил», «умрга  
қадалган ханжар — муҳаббат» бўлиб,  
қанчадан-қанча мухлислар дилига шитоб  
қилиб, қақмоқдай кўнгли осмонларини  
чақнатиб бормоқда. Китобдаги менга таниш  
ўша имзо, ўша туйғу ва ҳаяжонлар бугун  
тиниб-тиничиб оройиш топаётгани кувончи,  
Фариданинг табиати, диди, дили, тилидан  
келиб чиққан қўнғил қўнғили  
қасирғали тарзу тароватдир.

Фарида Афрўзинг  
мустиқиллик эпкиндари теккан  
кўнгли-қўкси яйраб, тоғдай  
кўтарилиб, антикиб-антикиб қўлайди:

**Ўзбекистон, ўзганинган жон тикман,  
Ургиларин, беклигинга чин бекаман.**  
эки:  
**Ўтда қўймас, сувада чўкмас энди**  
бу Ватан,  
**Ер кўррасин манглайга битилди.**

«Ўзбек»  
дея Истиқлол шуқронасини бутун оламга  
кўз-қўзлагиси келади. Аммо шоира, «орта  
қайтмоқ бекарар учун ўлимдир бешак» деб  
ўзбекона, жўмард гапларни айтarkan:

**«Ватан, сенинг меҳринга муштоқ,  
Истиқлолинг бошинга гултоқ,  
Қақмоқ элим, қақна, нуриг соч...»**  
деб юртдошларни, халқни Тумариснамо  
хайриқаб-хитоблар билан бир тану, бир жон  
бўлишига ҳақиради. Чунки шоира китобнинг  
бошидан охиригача хоҳ ишқ-муҳаббат, хоҳ  
умр, хоҳи армон — умид, нима ва ким  
ҳақида фикр юритмасин китобхонини  
уйғоқликка, огоҳликка қорлаб туришини  
унутмайди.

**Ҳақим йўқдир нолимоққа,  
афгон чекмоққа,  
Қодирлар руҳи энди чиркирамас**  
ҳеч.

**Ёғий, сенинг фурсатинг йўқ  
уруғ эқмоққа,  
Ўтди гўрлик, битди кунинг, энди**  
жузда кеч.

деркан, илоё кеч бўлгани рост бўлсин  
деймиз биз китобхонлар ҳам шоира ҳукмига  
дуо қўлиб.

Бугунги китобхон, бугунги мухлислар  
олдига чиқиб, анча-мунча сўзни маъқул  
айтиш, анча-мунча китобни манзур этиш  
осонмас. Фарида Афрўз эса буни юрак-  
юракдан ўтқариб, қайта-қайта имон ва  
имкониётларини ишга солиб, китобхон  
қалбига йўл топа билган дангал ва мардона  
шоирадир. У ўз китобхонлари қалбига  
ўйлаб-ўйламоқ, севиб-севилмоқ, ўлиб-  
тирилмоқ дардида, абор кўнгли, шикаста  
туйғулар тўдосини жон раштасига кўз  
муноқадй ўтқарган ҳолда кириб бормоқда.  
Бу китоб унинг тўртинчи тўплами. Китобдан  
китобга ўсиб тоблган, суманбар дардлар,  
кўз ва сўзлар билан синизинг қалбингизга  
қўз солаётир. Камнама ҳам бу тўпламни бир  
нигоҳ ташлаб, бир варақлаб чиқиб, шадаркин  
ва тошқин мулоҳаза ва мушоҳаданинг,  
таассурот ва кечиналарини оид, қадрили  
китобхонлар билан баҳам қўриш холос.

Хали гап кўп: баҳо ва одил қарашлар  
олдинда.

**Малика МИРЗАЕВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

# ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ КАШШОФИ

Истиқлол фан ва маданият  
тимиз фидойилари руҳларини  
шод этмоқда, халқимизга  
утмишдаги улус устозлар, шо-  
ирлар, донишмандлар, эл  
раҳбарларини эслатмоқда,  
хурматларини урнига  
қўймоқда. Бу ишларнинг каш-  
шофи эса-олимлардир. Қўй-  
ида ана шундай кашшофлардан  
бир ҳақида сузла-  
моқчимиз:

«Маънавият» нашриёти  
«Истиқлол қаҳрамонлари» тур-  
кумида бир неча китобни чоп  
этди. Чунончи, Абдулла Авло-  
ний «Танланган асарлар»нинг  
икки ириқ жилди,  
Маҳмудхўжа Бехбудий «Тан-  
ланган асарлари», Сидқий  
Хондайлик «Танланган асар-  
ларга», Қаримбек Камий асар-  
лари... Мазкур китобларда  
тўпловчи, суз боши, изоҳ ва  
лугатлар муаллифи Бегали  
Қосимов (айримларида Рами-  
да Жаҳарова, Олим  
Тулабоевлар кумаклашганлар).

Бу ириқ нашрлар туркуми-  
гача олимнинг ўнга яқин шун-  
дай «излаб-излаб толган» ки-  
тоблари босилиб қолган эди.  
Истиқлол олимнинг қучиға  
куч, имкониятига имконият  
қушди: унинг эзгулик  
йўлидаги фаолияти барқ уриб  
йўлламақда.

Сир эмаски, марҳум шоир  
ва олимлар асарларининг ҳар  
бир нашри уларга янгидан  
ҳаёт бағишлаш кабилидир. Шу  
боисдан ҳам Бегали Қосимов-  
нинг бундай хайри хизматла-  
ри таҳсинга лойиқдир.

Олим Маҳмудхўжа  
Бехбудий асарларига ёзган  
сузбошида фидойий давлат ар-  
боби Файзулло Ҳужавнинг  
Бехбудий ҳақидаги фикрини  
келтиришни лозим топади:  
«Сийсий, ижтимоий фаолияти  
ва билимининг кенглиги  
жиҳатидан Туркистоннинг уша  
вақтдаги жадидларидан унга  
теғдир келадигани йўқ деб  
ўйлайман». Сўнгра Урта  
Осиёнинг сарвар жадиди ҳу-  
сусида профессор Бегали  
Қосимов ёзади: «Маҳмудхўжа  
Бехбудий XX аср  
бўсағасидида Туркистоннинг  
орзу-армонларидан бири си-  
фатида майдонга келди. У ўз  
даврининг ижтимоий-сийсий  
ҳаракатларида фаол қатнаш-  
ган энг ириқ намояндаси,  
янги жоним ўзбек маданияти-  
нинг асосини эди. Туркистон  
жадидларининг тан олинган  
раҳамосин, мустиқил жумҳурият  
деғосининг яловбардори,  
янги мактаб деғосининг  
назаричиси, ўзбек драмачи-  
лигини бошлаб берган бирин-

чи драматург, театрчи, но-  
шир, журналист эди».  
Профессор Бегали Қоси-  
мов қаламига хос хусусият  
ўта босиқлик билан замон ва  
шахс мунозирини ёритиш, му-  
аммоларни тегишли тарзда  
қўя билиш ва ҳал қила би-  
лишидир. «Карвончи» сарла-  
ҳавали мазкур сузбошида  
мунаққид Маҳмудхўжа  
Бехбудий фаолиятининг асо-  
си қирраларини оша билан  
ва ижтимоий адолат нуқтаи  
назаридан баҳо берган.

Абдулла Авлоний ижоди  
Бегали Қосимовни қўлдан  
буён қизқитириб келади.  
Олимнинг «Тошкент тонги»  
номали Абдулла Авлоний кито-  
бини эълон қилгани, «Туркий  
Гулистон ёхуд ахлоқ», «Усон  
миллат» номларида талай на-  
шрлари амалга оширган  
қўнчилиқка маълум. Мазкур  
нашр эса Абдулла Авлоний  
ижодини янада мукамилроқ  
тарзда элга етказишни  
мақсад қилган. Бу икки жилд  
Абдулла Авлонийнинг шоир,  
маърифатпарвар, драматург,  
ношир, журналист, маърифат-  
чи, муҳаррир ва педагог му-  
тахассис сифатида, давлат  
арбоби сиймосида гавдалан-  
тириш имконини берган.

80-йилларда Бегали Қоси-  
мов айрим ҳамкорлар билан  
Сидқий Хондайликнинг

«Навбахор» тўпламни нашрга  
тайёрлаган эди. Янги нашр  
эса Сидқий асарлари мукам-  
маллиги, серқирралиги билан  
ўта босиқлик билан замон ва  
шахс мунозирини ёритиш, му-  
аммоларни тегишли тарзда  
қўя билиш ва ҳал қила би-  
лишидир. «Карвончи» сарла-  
ҳавали мазкур сузбошида  
мунаққид Маҳмудхўжа  
Бехбудий фаолиятининг асо-  
си қирраларини оша билан  
ва ижтимоий адолат нуқтаи  
назаридан баҳо берган.

Истиқлол фидойилари шаҳ-  
сини замон учун  
тирилтаётган олийҳиммат  
олим Бегали Қосимовнинг  
амалга ошираётган ишлари-  
дан биз бир шингилгина  
сузладиқ. Унинг ўзбек  
адабиётшунослик илмига  
қўшаётган хиссаси, бу фани  
туркий халқлар дунёсига олиб  
чиқётгани ва бу ишда  
қўнчилиқка бош-қош  
бўлаётгани таҳсинга сазовор-  
дир. Зеро, маърифат фидойи-  
илари, истиқлол  
қаҳрамонлари руҳларини шод  
этолган олим ҳаммаша эл на-  
заридан бўлгай.

Важоб РАҲМОНОВ,  
филолог фаълари  
номзоди, доцент

Бир бола кўчада зор йиғлаб кетаётган экан, ундан  
сўрабдилар: «Ҳой, бола сенга нима қилди, нега йиғлайдсан?»  
Бола жавоб қилибди: «Онам урдилар...». «Энди қаёққа  
кетаётурсан, бутам?» Бола жавоб қилибди: «Онамларнинг  
ёнларига». Йўлида кетаётган бобо тўхтаб, бир дарбоза  
ёнидаги сулчанага ўтириб, ҳаёлот дарёсига чўмибди: «Эй,  
Онаизор...»  
— Мирҳабиб домла бу воқеани дўсти Узун Ҳасан амакига  
айтиб берди. Уша оқшом шатранж суришни бир лаҳза  
тўхташтириб, улар ҳам ҳаёлот дарёсига шўнғишди: «Эй,  
Онаизор...»  
— Домла, сиз менга қизиқ гапни айтдингиз, — деди Узун  
Ҳасан амаки. — Бу билан нима  
демочисиз?  
— Мен сизга бўлган воқеани айтдим, —  
деди шохсунада ўтиришиб кўк чой хўплаб,  
ҳангомалашаётган икки кекса, — ўзбек ўз  
ерига боғланиб, томир отган халқ. Шу  
сабабли ҳам икки-уч минг йилдан бери  
бошқаларга омухта бўлиб, йўқолиб кетгани  
йўқ. Сўнги мустабиб шўро замонида ҳам  
четга сочилган ўзбеклар бир фозиини  
ташқил этмасдилар. Гап ўз ерини ташлаб  
четга қочган ватангадоллар ҳақида кетяпти.  
Она кетидан юрган бола омадли бола-  
афсуски, орамиздан чиққан баъзи ярамаслар чет элга қочди.  
Нахотки, ўз ичимиздан чиқиб, ўз халқи бахту саодатини  
кўролмайдиганлар пайдо бўлди! Мана шу болани қаранг, у  
четга қочишни мўлжаллагани йўқ-ку! Онаизорнинг сени бир  
шалпоқ урган бўлса, бунинг учун сен унга тўппонча  
ўқталасани, номард! Онаизорга қурол ўқталадиганлар, она-  
ватанини сотадиганлар, минг афсуски, баъзан учрамоқда.  
Мана шунга қуйиб кетаялган, азизим Ҳасан! Қон босимим  
ҳам кўтарилиб кетади. Онам урди, деб унга тўппонча  
ўқталадиганлар ўзбек юртига қаёқдан келди?!  
— Афсуски, ёшимиз ўтган. Шу Ўзбекистонимиз деб жаҳон  
урушида бир оёқдан ажралганман. Юртим мустиқил бўлди,  
бундан ортиқ гап борми? Юрт овоз бўлди. Президентим  
учун жон бағишлашга тайёрман! Қабул қилишса фидоқорлар  
фирқаси сафига ҳам кирардим, гап ёшда эмас, қалбада... 16  
февралдаги қонли воқеа, Қирғизистондаги, Тожикистондаги  
фожиялар мен бир уруш қўрган кишини жўнбушга солмоқда.  
Уша кунни эски ор миллигимни олиб, тоғ томонга қарадим...  
Ҳа, хумпарлар, деди! Шоиримиз ҳам тўғри ёзибдилар:

**Гар таҳдид солинса, балки шахидим,  
Байрогим қўлимда, бўқилмас комат.  
Иккам саксондаги бир мўсафидмен,  
Керак бўлса қўлга олгум автомат!!!**

Қирғиз биродарларин қилган ишга ҳамон ақлим етмайди.  
Нахотки, номард жангари террорчиларни яниб, йўқ қилиб  
ташламалар! Минг афсус! Домлажон, айтинг, ўша воқеадан  
яна қандай маъно чиқади?  
— Улишинг мумкин, отилишинг мумкин; ҳар нима бўлишинг  
мумкин, аммо Ватанин сотмай! Мана, шу маъно!  
Сўридаги хонтахта атрафда ўтириб, кўк чойдан хўплаб,  
шатранж суришаётган икки фахрийнинг сўзлари тугамасди.  
Йигит қуввати белдида, болалар қуввати оёқда, кексалар  
қуввати ақл-заковатда деганларидай, бу икки ошна дерали ҳар  
кун учрашишар, гоҳ у ховлида, гоҳ бу ховлида сўхбат авжига  
минарди. Профессор — домланинг лақаби «туя» эди. Унга

бериға «Қалила ва Димна»  
китобини ўқиб чиқсангиз  
катта идорамиздаги баъзи  
хушомадгўй, халқимизни  
чалғитаётганлар башарасини  
қўриб, чора қўрадингиз,  
дегани учун яна бир инфаркт  
миакардини бошидан  
кечирган. Уни қамамаганлару  
аммо қалбига озор бериб,  
қўлатишмоқчи бўлганлар.  
— Домлажон, эртага

## МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# КУЮНЧАКЛАР

лабларининг қалинлиги, ўзининг сиполиги, секин ҳаракат  
қилишдан бу лақаб берилган бўлса керак. Бунинг устига  
домла кам сув ичардилар. Баъзан ўз-ўзини танқид қилиб  
қолардилар ҳам... «Туядан сўрабдилар, ҳой, туя, нега сенинг  
бўйинг қийшиқ?». Туя жавоб қилибди: «Қани айтим, менинг  
қаерим тўғри?» Шунда, азизим, биз туя бўлганимиздан асло  
ранжимаймиз. Қийшиқроқ томонимиз бордир... Хўтук  
бўлмаганимизга шўр қиламоқ.

— Ҳа, жуда-оласиз-а, домлажон, — деди Ҳасан амаки, —  
анами. узунқулқ думсиз бола тўққанидан қанчалар фиғон  
бўлган эдингиз, лойга ботиб қолса қаеридан ушлаб тортаман,  
деб...  
— Ҳа-ха-ха-ха-ха-о-о!

— Боладингиз, азизим, боладингиз. Келинг, энди туя  
билан хўтуқни қўйиб, бошқа гаплардан гаплашайлик.  
Кексаликда кўп ҳаракат қилоқ, қўнчаллик ярамайди, филу  
туядек босиғроқ бўлоқ лозим. Бўлмаса юракка оғирлик  
тушади. Бизлар ширинсўзининг гадосимиз. Бу яхши, аммо озо  
мактанчоқлик дардиға ҳам мўталомиз. Профессор  
Мирҳабиб Нийзий эллиқ йилдан буён унгилиб, камситилган  
тарихимизни тиклабман, она тилимизни юксалтираман, деб  
шўро замонида уч бор ишдан ҳайдалди, уч бор юрак  
хасталиғи билан шифохонада ётиб қичди — уч бор гўр  
ёқасидан қайтди. Ҳасан амаки эллиқ йилдан буён жангчи  
гапирди... Домда ўша йиллари республика устунларидан

вақтингиз қалай бўларкин? —  
сўради Ҳасан амаки.  
— Вақт жуда кўйди.  
— Амир Темур музейига бириға  
борсак.  
— Бажону дил! Пойтахт  
Тошкентда яшаб, шу ер

Камера деворлари оч ҳаво ранга буялган. У Лубянкадаги ички турмадан унинг қаватида жойлашган. Бу қаватдаги камераларнинг кўпчилиги Ягода НКВДга раҳбар бўлиб турган вақтларда «зодагонлар камераси» деб аталарди ёки ҳисобланарди. Улар юқори мартабали маҳбусларга ва ажабийларга мулкжалланган эди. Ягоданинг камерасида тузуқна темир кроват бўлиб, унда ҳатто кундуз кунлари ёнбош-лашга ҳам рухсат бериларди. Кроватдан бошқа яна чоққина стол, курси ва ёғоч тоқчалар ҳам бор эди. Камерада, албатта, параша ҳам қўйилганди.

Уни 1937 йилнинг апрелида қамоққа олишди. НКВДдаги ишдан олинганидан бери у ярим йилдан ортиқроқ эркинликда юрди. Қажрага учраган шуро амалдорларидан биронтаси ҳам бу қадар узок муддатда эркинликда юрган эмас эди. Бундан ташқари бузилиб кетган истисноларни ҳисобга олмаганда уларнинг ҳаммасини қийнашган. 1937 йилнинг бошида Сталин «халқ душманларининг ҳаммасига жисмоний таъзия қораларини куллаш» тўғрисида буйруқ берганди. Бинобарин, сиёсий маҳбусларнинг ҳаммаси жисмоний қийноқ азобларига дучор қилинарди.

Ягодани қийнашди. Сталин Ежовга бу чорани Ягодага нисбатан қўлламастлик тўғрисида буйруқ берганди. Қамалишдан олдин утказган ярим йилни Ягода ўз ҳаётининг энг дахшати кунлари деб ҳисоблайди. У ўзининг қамалиши ва отиб ташланишини билар эди. Ишдан олиб ташлангандан кейин шуро аъёнларининг ҳаммасининг тақдирини шундай буларди. Қачон қамашаркин деб кутиб ўтиш қамалишининг ўзидан кура баттар эди. Шунинг учун уни Лубянкага олиб келиб, камерага киритиб, орқасидан темир эшикни ёнганларида у ҳатто алланечук енгил тортиди.

У Кремлдаги ўз квартирасида қамоққа олишларини кутиб ўтирди. Бу квартирада яшай бошлаганига бор-йўги бир йил бўлган эди. Квартира муъжазига бўлиб, унча қўлай эмас эди. Бир замонлар Кремлда рус подшолари тож кийиш маросимларини ўтказишар эди. Октябрь инқилобидан кейин ҳашаматли баҳайбат хоналар зифатлар ва тантанали мажлислар ўтказиладиган залларга айлантирилди. Юксак мартабали зодагонларнинг айримларигагина Кремлдаги аввал майда хизматчилар, дин пешволари турган жойлар берилди. Квартираларнинг мазаси йўқ эди, лекин обрўни айтмасизми? Кейинги йилларда Кремлда ким истиқомат қилишини Сталиннинг шахсан ўзи ҳал қиларди. Шунинг учун Кремлдан квартира олган одам энг юксак чўққиларга кўтарилган ҳисобланарди.

Тахминан 1936 йилдан бошлаб, Кремлда истиқомат қилувчи одамларни Лубянкага кечаси олиб кетадиган бўлишди. Улар бир-бирлари билан учрашишдан ва гаплашишдан қўриқиб эдилар. Сўхбатдоши уртасига «халқ душман» бўлиб чиқishi мумкин эди. Ягода ҳам бошқаларга ўхшаб пусиб-биқиниб, одамлар билан учрашиб қолишдан қўрқиб уйига етиб оларди. Темир йўллар комиссарлигидаги хизматчилар уни қўрмаганга олиб ўтиб кетишар, агар Ягода улардан бирон нарса сўраб қолса, қуруққина қилиб қисқа жавоб беришарди. Қария Авербахлар ва хотини Раиса тўғрисида у ҳеч нарса эшитмаган, уларни жўнаб кетишга улгурган бўлишга керак, деб ўйлар эди. Леопольд Авербах қамоққа олинган, афтидан, дарҳол отиб ташланган бўлса керакки, газеталарда уни фитначи ва ашаддий троцкийчи деб ёзишарди. Қамоққа олиниши билан дарҳол ўлдириб юбориладиган одамлар тўғрисида, одатда, шунақа деб ёзишарди.

Қўпгина одамлар чекистлар келиб, олиб кетишини кутиб ўтирмай, уларнинг жонларига қасд қилишарди. Аммо Ягоданинг бундай қилишга қўрби етмасди. Ҳар ҳолда, унинг кўнглида умид шами ҳали учиб қолмаганди. Езов Сталин Сочидан қайтганидан кейин уни қақражагини айтди. Бироқ Сталин Москвага қайтиб келди, лекин уни қақрмади. Қабулга кириш учун уринишлари эса беҳуда кетди.

Турма камерасида ўтириб, қамалишдан аввал утган олти ойни эслаганда, гуё дурбиннинг тескари томинини ўгириб қарагандай, бу ойлар ундан олислаб кетарди. Бу ойларда содир бўлган воқеаларнинг ҳаммаси унга нафақат олис воқеалар бўлиб қуринар, балки ўқиди нукталар каби майда ва гира-шира туюларди. Улар бирон-бир муҳим қимматга эга бўлиши ҳам ва ҳеч қанақа қимматга эга бўлмастлиги ҳам мумкин эди.

Баъзи воқеаларни у хотирасида тиклаб, ўзига ўзи барча тафсилотлари билан ҳимоя қилиб бермоқчи буларди. Агар шундай қилса, маъноси ўзи учун унча равшан бўлмаганларининг маъзини қачиб мумкин буларди. Мана, масалан, у билан Езов ўртасида бўлиб ўтган гап-сузини олайлик. Қамоққа олинишидан икки-уч ой олдин Езов унга қўнғирок қилиб, ҳузурга келишни илтимос қилди. Фақат Лубянкага эмас, партия Марказий Комитетига. Езов Ягоданинг ўрнига тайинланганига қадар у ерда қадрлар бўлимига бошчилик қиларди ва ҳамон у ерда кабинетни бор эди.

— Сизни тақлиф қилишимдан мақсад, — деди у Ягодага, — бир иш бўйича сизни гувоҳ сифатида сўроқ қилмоқчиман. Қанақа иш эканини ҳозир айтман. Даставвал, сизни Лубянкага қақрмай, нега бу ерга қақриганининг сабабини тушунтирай. Нега десангиз, сизни қўриб кетмасин дедим.

— Мен қўрқоқлардан эмасман, — деди Ягода. Унинг кўнглида қўрқув тўғриси Ежовга нафрат билан олишмоқда эди. Ежовнинг мулоийм ва айни чоқда жиндай кинояли табассуми Ягоданинг аҳволини жуда яхши билиб турганидан далолат берарди.

— Биламан, сиз дуворак одамсиз, Генрих, — деб жавоб берди Езов. У авваллари ҳеч қачон Ягодага номини айтиб муомала қилмас эди. — Бироқ бу ўринда ҳеч қанақа дувораклик талаб қилинмади. Мен манави авли, яъни граждана Селивановани нима қилишни билмай қолдим. Биз уни қамоққа олдик, бироқ у «Халқ душманининг хотини эмасман» деб икки оғвини тираб туриб олди. Сабабни, унинг эрини ҳе йўқ, бе йўқ, бекордан-бекорга нариги дунёга жўнатиб юборган эмишман.

Қамоққа олинунига қадар Ягода бир неча марта Селивановалар қўнғирок қилган эди. Телефон жавоб бермади. Телефон нега жавоб бермаганининг сабабини у энди тушунди.

— Ана шунақа. Марҳамат қилиб, менга тушунтириб беринг. Нима гап ўзи? — деб давом этди. Ежовнинг кўзларида қувноқ учкунлар йилтиллади. — У сизга орқа қилляпти, сиз билан бирга Қримда бўлганман дегаяти.

— Уртоқ Езов, гап нимада эканини жуда яхши билиб турибсиз-ку, — деди Ягода ласт овозда.

— Йўқ, мен ҳамма гапдан хабардор эмасман. Мен сизнинг бу аёл билан алоқангиз борлигини биламан, бироқ Шуро Иттифоқи ва унинг жазоловчи органларини Генрих Ягоданинг туларни ким билан ўтказиши ёҳуд ўтказгани заррача қизиқтирмайди. Гап бунда эмас. Гап фақат шундаки, Селиванов халқ душмани бўлганимди ёки бўлмаганимди?

У Ягодани очикдан-очик мазах қилмоқда эди. Ягода деди: — Бу гапларнинг нима ҳолати борлигини тушунмаяман. Достоевский-булик-ку булар. «Жиноят ва жазо»даги Раскольниковни сўроқ қилаётган Порфирий Петровичнинг баъни узи... Селиванов зарарқанда бўлганимди-йўқми — мен бу гапдан бутунлай бебархорман. Булган бўлиши мумкин. У тез-тез хорижга бориб туради. У ерда истаган одами билан учрашиши мумкин эди. Бироқ мен уни бутунлай бошқа мулохазалар билан Ростовда қўлга олишни буюрганман.

— Бутунлай бошқа мулохазалар билан дейсизми?

— Ҳа. Худди шу сабабдан мени НКВДдан олиб ташлаш-

ди. Ежов тусатдан баланд овозда қилиб юборди. Бу шу даражада қўнғирок бўлиб қолди, Ягода уни анқайиб қараб қолди. Ежовнинг қилиши галати эди — у оғзининг ярми билан куларди, иккинчи ярми эса, худди шисадан булгандек, кимир этмасди.

— Сиз неча мени мазах қиласиз? — У бу саволни зарда билан бермоқчи бўлди. Ахир, у ўзининг булар бўлмастга қўрқиб кетадиган қўён юраклардан эмаслигини, Ежовдан ҳам заррача ҳайқимаслигини курсатиб қўйиши керак-да! Бироқ у зарда қилишни эплаётмади — саволи инграшга ўхшаб эшитилди.

— Мазах қиласан дегансизми? Йўқ, Генрих, унақа дегманг. Мен мазах қилаётганим йўқ. Сиз тахминингизни айтганингизда мен узимни тўхтатиб қололмайман, холос. Ишонмайсизми? Мен сизга исботлаб бераман. Тахминларингизни Иосиф Виссарионовичга етказаман ва айни пайтда у сизни қабул қилишга ваъда берганини ҳам эслатаман. Майлими, шундай қилсам?

— Ихтиёрингиз. Шундоқ қиламан десангиз мен нима ҳам дердим, — деб жавоб берди Ягода ўрнидан турар экан.

Унинг ўрнидан тургани Ежовга ёқмади — гуё чиндан ҳам улар дўстона сўхбат қилиб ўтиришпти-ю, Ягода ўзи истаган пайтда бу сўхбатга чек қўйиши мумкиндай...

— Майли, Генрих, сизга жавоб. Лекин битта кичкина саволим бор — шунга жавоб бериб кетинг. Назаримда, Нина Селиванованинг тақдирини сизни ортиқ қизиқтирмай қўйгани дейман-да? Мен уни қўйиб юбораманми-йўқми, сизга ба-рибирми?



**Президентимиз И. А. Каримовнинг қатагон қилинган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарори муқтадил мамлакатимизда ижтимоий адолатни тиклаш йўлида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, 84 йил ҳукмронлик қилган шўро ҳокимияти бутун тарихи давомида муттасил равишда давлатни зуравонлик билан, қатагонлар йўли билан бошқариб келган ва шу сиёсати оқибатида ер куррасининг олтидан бир қисмини ташкил қилувчи баҳайбат худудда қўрқув империясини вужудга келтирган эди. Бу империянинг дахшати зулмининг фақат ўзбеклар эмас, ўша пайтда шу давлат таркибига яшаган бошқа халқлар ҳам етарли даражада тортиди. Албатта, бу зуравонлар ичиде, айниқса, И. В. Сталин алоҳида ажралиб туради. Инсоният тарихида зуравонлар, мустабидлар, зolim ҳукмдорлар кўп ўтган, лекин уларнинг ҳеч қайсиси ўз фуқаросини, ўз халқини Сталинчилик қўрғин қилган эмас. Сталин яратган мўр-у малаҳга ўхшаш тоталитар зулм машинаси моҳиятига кўра жуда мукамал эди. Бу машина ишга тушиб кетгандан кейин ҳеч кимни, шу жумладан, ҳатто ўз эгаларини ҳам авб ўтирмас, тишларига илинган ҳар қандай кимсаннинг суякларини қасрилатиб гажиб йўқ қилмағуна қўймас эди. Шўролар замониде халқлар бошига тушган қонли фожалар қайта тақрорланмаслиги учун бугунги авлод тоталитар тузумнинг моҳияти нимада эканини яхши билимоғи керак.**

**Ўзбекистондаги ҳавола қилинаётган мазкур асар «Смена» журналининг 1990 йил июл сонидан олинган. Сизга маълумки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бир неча йиллардан бери сталинча қатагон қурбонлари — адиблар, сиёсий арбоблар, оддий инсонлар ҳақида муттасил материаллар эълон қилиб келаётди. Яқинда айни шу мавзуда «Мангу лаҳза» рўқнини очиб, филология фанлари доктори Наим Каримовнинг ҳужжати мақолаларини бериб келаямиз. Мазкур чиқишлар газеталарда катта қизиқиш уяғотмоқда. Атоқли адабиётшунос олимимиз Озод Шарафидинов томонидан тақдим этилган қўйидаги асар ҳам айни шу мавзуда. Бу каби чиқишларимиздан қўзланган мақсад эса яқин ўтмишимизни теранроқ билиш, собиқ тоталитар тузум оқибатларидан қўрқор хабардор бўлиш, Истиқлолнинг кадр-қимматини, демократик кадрларни устиворлигини юракдан ҳис этишдир.**

ТАҲРИРИЯТ

— Мутлақо барибир, — деди Ягода. Унинг эсида қолгани шу бўлдики, бу сўхбатдан кейин у Эски майдонга чиққанида, Нина тўғрисида ортиқ ўйламай қўйган эди. У бошқа нарсани ўйлай кетди — Ежовнинг кулеси қандай маънони аңлатаркин? Агар уни НКВДдан олиб ташлаганлари Селивановнинг қатли учун бўлмаса, нима учун ишдан олишди экан?

Шундан кейин кўп ўтмай Ягодага Поскребишев қўнғирок қилди ва уни Сталиннинг дала ҳовлисида қақирлиганини айтди. Сталин гапининг индальдонидан олди.

— Ежовнинг айтишича, сиз нима учун НКВДдан ишдан олинганингизни билмас эмишсиз?

— Уртоқ Езов адашди, — деб жавоб берди Ягода. — Ёки мен унга айтган гапларни сизга нотўғри етказган бўлиши ҳам мумкин. Мен гуноҳини нимада эканини биламан, Иосиф Виссарионович. Шунинг учун шикоят қилолмаман.

— Ўйлайсизки, мен сизни отиб ташлашга буюрганингиз дипломатик кўрер сабабидан ишдан олганман.

— Худди шундай, Иосиф Виссарионович!

— Унинг хотини билан ишрат қилгингиз келиб қолувдими? Шунинг учун эрини отиб ташлашни буюрганингизми?

— Худди шундоқ. Узимни оқлаш учун ҳеч нарса дедилмаман.

Сталин тарғил қўзларни билан унга ўқрайиб қаради ва трубкасида тамаки сола бошлади.

— Бир ўртоқ булар эди, — деди у. — Фамилияси Богданов...

— Москва шаҳар партия комитетидими?

— Йўқ, бу бошқа Богданов. Россияда нима қўп, Богдановлар кўп. Итти урсанг, Богданов ташлайди. Мен айтатган одам Жонвада яшаган, муҳожир бўлган. Инқилобдан олдин, У Ильич билан кўп гап талашарди.

Сталин ўрнидан туриб хона бўйлаб юра бошлади.

— Менинг тўғримда Ильичга хиёнат қилган деган гаплар юради. Гуё унинг гоғларини гарқ қилдириб юбориш учун дарё-дарё кон туккан эмишман. Кекса болшевикларнинг ҳаммаси мени ана шунда айблашади. Ҳозирча эркинликда юрганлариде... Сиз уларнинг уларига гап ўғирлайдиган аппаратлар урнатгансиз. Улар деворда микрофонми ёки бошқа бирон балои баттарми борлигини яхши билишади. Лекин шундоқ бўлса ҳам уларнинг тийиб туришолмайди, албатта, оғизларидан бирон гап чиқиб кетади. Уларнинг нима деб валақатларини менга етказиб туришади. Майли, бу гапни қўйиб турайлик. Жанвада бўлган воқеани эшитинг. Мени Ильичга хиёнат қилишда айблатганлари учун Ильич тўғрисида баъзи гапларни айтиб бермоқчиман. Шундай қилиб, десангиз, Ильич Ленин Жанвадан бир ўртоққа ана пул бериб, Россияга жўнатди. Пуллар партия ишига аталган бўлди. Халиги ўртоқ пулни Петербургда ва Москвага етказиб бермоғи керак эди. Лекин у Россияга бормайди-да, тўғри Парижга йўл олади. У ерда ҳар хил машаққатларда ишрат қилади, майхўрлик қилади, ёнидаги пулдан бир тийин ҳам қолмагандан сунг Жанвага қайтиб, Лениннинг олдида тава-тазарру қилади. Узини партия судига беришларини илтимос қилади. Хуллас, бинойиқдек олиғир одам экан у. Уни, албатта, партиядан ҳайдамоқчи бўлишади. Лекин Ленин уни ҳимоя қилади. Унга қаттиқ қизиқ беришади ва шу билан қифояланишади. Айни шу кезларда Ленинга боғлиқ Богданов деган одам रुपара келиб қолади. У ўқимлиши, олим одам бўлган. У партия Марказий Комитетининг курсатмаларига қарши мақола ёзган экан, Ўрни Ленинга қарши. Жанвадаги мажлисларда ва яна хорижийнинг қаеридадир мақоласини ҳимоя қилипти. Шунинг

учун Лениннинг талаби билан уни партиядан ўчириштипти. Ушунда кимдир Ленин билан баҳс қилипти. «Буниси қандоқ бўлди? — депти у Ленинга. — Угри ва пийниси одамни партиядан ўчирмайсиз, яхши ўртоқни эса оғмачилиги учун партиядан ҳайдаб соласиз?» «Бошқа иложи йўқ-да! — деб жавоб берипти Ленин. — Шундай қилмасе булмайди. Анави муттаҳам ҳали бизнинг бирон қор-ҳолимизга яраб қолиши мумкин — катта ҳужалиқда ҳар хил арқон керак бўлади. Аммо одам сиёсий хаталар қилиш йўлига ўтса, у мафқуравий оғмачилик йўлидан кетадиган бўлса, бу бутунлай бошқа гап. Бошқаларни қалғитиб, йўлдан урмаслиги учун бунақа одамни ҳайдаб солиш керак». Тамом-васалом.

Сталин қўзларини қисди. Бу унинг учун табассум ўрнини босар эди.

— Мен бу воқеани сизга нима учун гапириб берганимни тушундингизми?

— Ҳа, тушундим, лекин чалароқ тушундиммикен...

— Ҳеч нарсани тушунганингиз йўқ. Куриб турибман — башарангиз айтиб турипти. Мен сизни НКВДдан Селиванов важдан олиб ташлаганим йўқ.

У хона бўйлаб одимлашда давом этди, лекин энди қилмайиши йўқолган эди. У Ягодага ҳақиқатини айтмоқчи эди, яъни уни Гитлернинг хоҳиши билан ишдан олганини гапириб бермоқчи бўлувди, лекин охири дақиқадда узини бундан тийиб қолди. Унинг Гитлернинг талабларига ён бериши мумкинлигини ҳеч ким билмаслиги керак — бу Сталинни камситарди, иззат-нарсига теғарди. Шунинг учун Ягода ҳам Каганович билан Молотовга айтган гапни айтиб қўя қолди. У Ягоданинг истефосини 1932 йилдаги Рютин

қўйилди, негаки у учинчи суд жарағида айбланувчи сифатида қатнашмоғи керак эди. Москвада бўлиб ўтган суд жарағилари ичиде буниси энг каттаси ва энг муҳими бўлмоғи керак эди.

Ҳибсга олинган чекистлар ўзларининг нима сабабдан қамоққа олинганларини жуда яхши тушунишарди. Уларнинг айби шунда эдики, улар керагидан ортиқ даражада қўп нарсани билишарди. Улар Сталин учун тарих қаршида ноқулай гувоҳлар бўлиб қолишлари мумкин эди. Уларнинг фаолияти миллионлаб одамларни жисмонан қириб ташлашдан иборат бўлган. Бунинг учун махсус бўлим ёҳуд алоҳида тажриба талаб қилинмас эди. Уларнинг ўрнини овлоқ вилоятлардан олиб келинган чекистлар ва синчилаб текшириб қўрилган коммунистлар эгаллашди. Уларни партия Марказий Комитетининг кадрлар бўлими излаб топарди.

Ягода камерасида ўтириб, ўзининг қамоққа олинишини ва биринчи сурогини эслаб кетди. Бир неча кун мобайнида уни орқасидан таъкиб қилиб юришди. Унинг қочиб кетишидан қўрққанлари учун шундай қилишгани йўқ — у қочиб қаёққа ҳам борар эди — тартиб ўзи шунақа эди, ҳаммаси бир замонлар белгилаб қўйилган қўнғирок бўйича қилинарди. Унинг хизмат машинасининг орқасидан битта, баъзан эса иккита машина тушар эди. Темир йўллар Халқ Комиссарлигининг йўлида кузатувчилар пайдо бўлиб қолди. Ниҳоят, кечаси соат иккида унинг Кремлдаги квартирасида қўнғирок жиринглади. Фуқароча қийинган икки киши қириб келди.

— Фурсати келдими? — деб сўради Ягода. — Ҳа, Генрих Григорьевич, — деб жавоб берди чекистлардан бири. — Фурсати келди.

«Ана кетаман, мана кетаман» деб қамалишини кутиб ётган бошқа аъёнлар каби у ҳам энг зарур буюмлари жойланган чоғроқ чемофанчани аввалдан тайёрлаб қўйган эди. Уни автомобилга ўтказиб, Лубянкага олиб кетишди. У ерга боргандан кейин узундан-узоқ йўлақлардан олиб ўтишди. Йўлақларнинг охирида бир қизил чироқ, бир яшил чироқ учиб ёниб турарди. Қизил чироқ йўлақдан бошқа бир маҳбусни олиб келишга танини билдирарди. Ягода деворга ўғирлиб, уни олиб ўтиб кетишларини кутмоғи керак. Утиб кетаётган маҳбус уни, у эса ўтиб кетаётган маҳбусни қўрмаслиги керак. Лифтда юқори кўтарилганда, кейин яна йўлак бўйлаб юришди, ниҳоят, «Бокс»га кичиб боришди. «Бокс» деганлари вақтинчалик қраватсиз етиб қолган камера эди. Ягода шу камерада эрталабгача ўтириб чўқсам керак деб ўйлади, бироқ чорак соат утгач, камеранинг эшиги очилди.

— Фамилиянг?  
— Ягода.  
— Исинг ва отангинг исми?  
— Генрих Григорьевич!  
— Тш-ш... Шивирлаб гапириб керак. Кетдик.  
Яна лифтга тушишди ва йўлак бўйлаб юришди. Ниҳоят, уни чоққина бир хонага олиб киришди. Хонада олдидини стол ортида чамаси йигирма беш ёшларга кирган, тунд қивфали йигит ўтирарди. Стол ёнида курси турипти. Ягода курсига ўтирди.

— Тур ўрингдан! — деб қичқирди чекист. — Рухсат берилганда ўтирасан.

Ягода ўрнидан турди. Алаmidан дағ-дағ қалтираб деди: — Авваламор қичқирман...

Чекист унинг ёнига келди-да, бор кучи билан башарасига туширди.

Ташқаридан қараса, улар дўстона сўхбат олиб бораётгандай қуринарди. Қолаверса, ичкаридан қараганда ҳам шундай қуринарди. Ягода ҳамма нарса узғариб кетганини ва у энди ортиқ прокурор Вишинский билан тенгман-тенг туриб гаплаша олмастлигини билса ҳам, лоқал зоқиран дўстона сўхбат шаклини сақлаб қолишга тийишарди. Вишинский унинг бу интилишини қўллашга интилар, уларнинг узаро муносабатларида ҳеч қандай сохталик йўқдай курсатилганга ўринар, гуё аввалгидай ҳамма нарса жой-жойида қолгандай қуринарди. Бир вақтлар, бир вақтлар эмас, яқин-яқинларда улар биринчи ва иккинчи Москва суд жарағини тайёрлаб устида бирга меҳнат қилишган. Бу НКВД биносидеги ўша кабинетнинг узиде содир бўлган. Фақат унда икковлари ҳам ёзув столи ортида ўтиришган эди. Ҳозир эса Ягода сўроқ қилинувчилар ўтирадиган курсида ўтирипти. Лекин Вишинский уни сўроқ қилгани йўқ. Айбонмо лойиҳасини у ўзи билан олиб келди ва уни Ягоданинг қўлига тутқазиб қўя қолди, балки у билан бирга муҳокама қилиб, нималарнидир қўйишди, нималарнидир олиб ташлашди. Бу уларнинг биринчи сўхбати эди. Ягода судда асосий айбдорлардан бири сифатида иштирок этмоғи керак эди. Энг асосий айбдор эса, албатта, Николай Бухарин эди. Шундоқ бўлгандан кейин ҳамма нарсани келишиб олиш керак, бироқ жойда бирон хатога йўл қўймасликнинг тадориғини қўроқ лозим. Бунақа хатоки қўриб қолса, хорижий империалистик матбуот жон-жаҳди билан ёпишиб олади-ку! Аввалги жарағилардан бирида шундай бўлган эди. Бефаросат терговчи Шуро ҳукуматининг обрусини тўқиб қўйди — у бир-иккита айбланувчи билан гувоҳга судда фитнакорларнинг Копенгагендаги меҳмонхоналардан бирида ўчрашиб туришганини гапириб беришни буюрган. Кейин маълум бўладики, бу меҳмонхона бир неча йил аввал ёпилиб кетган экан.

— Сиз билан бирга ишлаш осон, — деб Ягодани мақтаб қўйди Вишинский — Ҳаммасини келишиб олганимиздан кейин репетиция қилиб ўтиришни ҳолати ҳам қўлайди. Яна, қайдам. Ҳар ҳолда репетиция қилиб қўрган маъқулдир. Нима дейсиз?

— Галингизга қўшиламан. Репетиция қилсам, ўзимни ишончироқ ҳис қиларимиди...

Вишинский алланимани ёзиб олди, сунг деди: — Айтгандай, докторлар ҳаммасига имзо чекишди. Левин билан Казакков. Улар судда сизнинг буйруғингиз билан Максим Горький ва бошқаларни заҳарлашгани тўғрисида курсатма беришади.

— Куйбишевни ҳамми?

— Вишинский нигоҳини унга қадаб, хо-холаб қулиб юборди.

— Ҳа, Генрих Григорьевич, албатта, ўртоқ Куйбишевни ҳам. Биламан, бу ишга сизнинг даҳлингиз йўқ, илгари менга гапирган эдингиз. Бироқ ушунда ҳужайининг олдида «Куйбишевни мен улдирдим» деб ўзингиз мақтанганингиз учун, энди бунга ҳам жавоб беришингизга тўғри келади. Илож қанча? Шунақа қўлғили бемаъниликлар ҳам бўлиб турар экан-да! А, лаббай?

Озод ШАРАФИДИНОВ таржимаси. (Давоми келгуси сонда).

<p>Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси ёзувчи Фарход Мусахоновга рафиқаси</p> <p><b>МАМЛАКАТ МУСАХОНОВА</b></p> <p>вафоти муносабати билан чўқур таъзия нэхор этади.</p>
<p>Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Вафо Файзуллога ўқаси</p> <p><b>Қурбон ФАЙЗУЛЛАЕВНИНГ</b></p> <p>бевақт вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдирарди.</p>
<p>Чилонзор тумани Маданият ишлари бўлими ва касабга уюшмаси жамоаси бўлим марказлашган кутубхона тизимини директори Л.А.Никшиноўга отаси</p> <p><b>Анатолий Фёдорович НИКАШКИН</b></p> <p>вафоти муносабати билан чўқур таъзия нэхор этади.</p>

**МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

**НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ**

**Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ**

Манзилими: Ташкент — 700083, Магбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 133-52-91

Таъкид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48  
Назм-насер бўлими: 136-56-50  
Ижтимоий бўлим: 136-55-78